



# ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАCИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАCИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯCИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКISTON RESPУБЛИКАCИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯCИ  
НИЗОМ ВА ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
2014

УЎК 342.573  
КБК 67.400.5(5Ў)  
Ў 32

ISBN 978-9943-28-179-0

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2014

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

25.12.1998 й. 729-*I*-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
19.08.1999 й. 809-*I*-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
26.05.2000 й. 82-*II*-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
27.08.2004 й. 671-*II*-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
25.12.2008 й. ЎРҚ-194-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
04.09.2014 й. ЎРҚ-373-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

### 1-м о д д а . Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси, Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

### 2-м о д д а . Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатликдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмаклашишга, сайловчиларнинг ўз хохиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

### 2-1-м о д д а . Мустақиллик

Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан холи бўлган ўз нуқтаи назарини билдиради.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

#### **2-2-м о д д а . Қонунийлик**

Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, сайлов, референдум тўғрисидаги қонунларга ҳамда бошқа қонунларга амал қилади.

#### **2-3-м о д д а . Коллегиаллик**

Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси томонидан коллегиал тарзда амалга оширилади.

#### **2-4-м о д д а . Ошкоралик**

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини ошкора амалга оширади. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари очик ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан ва ҳаракатлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

#### **2-5-м о д д а . Адолатлилик**

Марказий сайлов комиссияси номзодларни, сиёсий партияларни сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитлар билан таъминлаш, сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов, референдум якунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

### **3-модда . Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланадилар.

### **4-модда . Марказий сайлов комиссиясига аъзолик**

Йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган ҳамда камида охириги беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизматининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бошқа сайлов комиссиясининг ёки сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати аъзолигига номзод этиб, ишончли вакил этиб рўйхатга олинган Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бевосита ёки уни аъзоликка тавсия этган органнинг тақдимномаси бўйича тўхтатилиши мумкин:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда;

у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

у ўз вазифаларини мунтазам равишда бажармай келган тақдирда.

Марказий сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тасдиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси комиссиянинг қарорига биноан унда доимий асосда ишлаши мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

#### **4-1-м о д д а . Марказий сайлов комиссияси аъзосининг гувоҳномаси**

Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси тегишли гувоҳномага эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси Раиси ва унинг ўринбосарининг гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Марказий сайлов комиссияси бошқа аъзоларининг гувоҳномаси эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси томонидан имзоланади.

#### **5-м о д д а . Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссияси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бирктиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этишини молиялаштириш учун тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техника жиҳатидан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича конференциясини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва сайлов варақаларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов ко-

миссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шакллари, овоз бериш кутилариининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловнинг ва референдумнинг якуини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини конунда белгиланган тартибда чақиради;

сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ва Сенатининг аъзосига тегишинча Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлигига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

бошқа мамлакатларнинг сайлов органлари, халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга оширади, чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этади, ҳамкорлик тўғрисида битимлар, меморандумлар тузади;

хорижий мамлакатлардаги сайловларни кузатишда, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибида кузатишда иштирок этади;

халқаро ташкилотларни, хорижий мамлакатларнинг сайлов органларини мамлакатимиздаги сайловларни кузатиш учун таклиф этади, ўз вакилларини кузатувчиларнинг миссиялари таркибига юборади;

сайлов ва референдумни ташкил этиш, ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг архивга топширилишини таъминлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг Регламентини тасдиқлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустақкамлайди ва ривожлантиради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **6-м о д д а . Марказий сайлов комиссияси Раисининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси:

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади, комиссиянинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш учун давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг, ташкилотларнинг вакилларини ва бошқа мансабдор шахсларни таклиф этади;

давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда Марказий сайлов комиссияси номидан иш кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек референдум яқунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига ахборот беради;

Марказий сайлов комиссиясининг қарорларини ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни тақсимлайди ва улардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ва Сенатининг биринчи мажлисини очади ҳамда Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси сайлангунга қадар унда раислик қилади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси ўз ваколатларини бажаришининг имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек Раис бўлмаганида, Раиснинг вазифалари Раис ўринбосарига ёки Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан комиссия аъзоларидан бирига юкланади.

#### **7-модда. Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари**

Марказий сайлов комиссияси ишининг ташкилий кўриниши унинг мажлислари ҳисобланиб, улар заруратга қараб ўтказилади. Агар мажлисда комиссия аъзолари умумий миқдорининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий миқдорининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

#### **8-модда. Марказий сайлов комиссияси мажлисининг баённомаси**

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида баённома юритилиб, у раислик қилувчи ва Марказий сайлов комиссиясининг котиби томонидан имзоланади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари алоҳида фикр билдиришга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

#### **9-м о д д а . Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари**

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, бу қарорлар Раис томонидан имзоланади ва матбуотда эълон қилиниши лозим.

#### **10-м о д д а . Марказий сайлов комиссияси қарорларининг мажбурийлиги**

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари ҳамда референдумни ўтказиш комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

#### **11-м о д д а . Марказий сайлов комиссиясининг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Марказий сайлов комиссияси сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, улар масалани кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт.

#### **12-м о д д а . Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан шикоят бериш**

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят бериш мумкин. Шикоят тушган пайтдан эътиборан уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса – дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

#### **13-м о д д а . Марказий сайлов комиссиясининг Котибияти**

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини таъминлаш учун унинг Котибияти тузилади.

Котибият ишига Марказий сайлов комиссиясининг котиби раҳбарлик қилади.

Котибиятнинг тузилиши, штатлари ва унинг иш тартибини Марказий сайлов комиссиясининг Раиси тасдиқлайди.

#### **14-модда . Марказий сайлов комиссиясининг Регламенти**

Марказий сайлов комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартибини унинг Регламентида белгиланади.

#### **15-модда . Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш**

Марказий сайлов комиссиясини молиявий таъминлаш давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига алоҳида сатрда назарда тутилади.

#### **16-модда . Марказий сайлов комиссиясининг муҳри**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

Марказий сайлов комиссияси юридик шахс ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
1998 йил 30 апрель,  
№ 643*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

*(Ушбу Низомга Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 4 январдаги  
240-сонли ва 2006 йил 14 апрелдаги 270-сонли қарорлари билан  
ўзгартишлар киритилган)*

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ тайёрланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини (бундан буён матнда Сенат аъзолари деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида (бундан буён матнда депутатларнинг қўшма мажлислари деб юритилади) сайлаш тартибини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов яқунлари эълон қилинганидан кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун депутатларнинг қўшма мажлислари ўтказилишини эълон қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шунингдек Тошкент шаҳрида депутатларнинг қўшма мажлисларини ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

2. Сенат аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.

3. Депутатларнинг қўшма мажлиси очилиши олдидан депутатлар рўйхатдан ўтадилар. Рўйхатдан ўтиш вақтида депутатлар – қўшма мажлис иштирокчилари ўз шахсларини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар.

Депутатларнинг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг вакили иштирок этиши шарт.

4. Депутатларнинг қўшма мажлисини Марказий сайлов комиссияси вакили очади. У энг обрўли, катта тажрибага эга, ёши энг улуғ депутатлар орасидан аниқланадиган мажлисга раислик қилувчи номзоди бўйича таклиф киритади.

Депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчилари мажлиснинг кун тартибини ва иш регламентини тасдиқлайдилар.

Депутатларнинг қўшма мажлиси кун тартибига Сенат аъзоларини сайлаш тўғрисидаги масала киритилади.

5. Депутатларнинг қўшма мажлиси ишини таъминлаш ва юритиш учун очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан уч кишидан беш кишигача миқдорда ишчи ҳайъати тузилади. Турли Кенгашлар депутатлари орасидан ҳайъат аъзолигига номзодлар раислик этувчи томонидан таклиф этилади.

Депутатлар ваколатини текшириш, тушган таклифларни ҳисобга олиш ва депутатларнинг қўшма мажлиси томонидан қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат котибият тузилади.

6. Депутатлар қўшма мажлисининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

7. Депутатларнинг қўшма мажлисида раислик қилувчи тавсияси бўйича очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши (бундан буён матнда Оқсоқоллар кенгаши деб юритилади) сайланади. Оқсоқоллар кенгаши депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, ёши энг улуғ депутатлардан ва қоида тарикасида, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар

давлат ҳокимияти вакиллик органининг ҳар бирдан бир вакилдан иборат таркибда сайланади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг мажлисида Оқсоқоллар кенгаши ўн бир кишигача бўлган таркибда сайланади. Депутатларнинг қўшма мажлисида раислик қилувчи тавсиясига кўра Оқсоқоллар кенгаши таркибига ўз мансабига мувофиқ тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими қиради. Оқсоқоллар кенгаши ўз раисини сайлайди.

Оқсоқоллар кенгаши давлат ва жамият фаолиятининг турли тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган, ўз сайловчилари томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган энг обрўли депутатларнинг Сенат аъзолигига номзодларини кўриб чиқади.

Яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун Оқсоқоллар кенгашининг Сенат аъзолигига олти номзод бўйича таклифи Оқсоқоллар кенгашининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади. Яширин овоз бериш бюллетенига олтита Сенат аъзолигига номзод киритилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов кунига қадар йигирма беш ёшга тўлган ва камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига номзод бўлиши мумкин.

9. Депутатларнинг қўшма мажлисида Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этувчи ҳар бир депутат Сенат аъзолигига номзодга саволлар бериш, номзодга нисбатан ўз фикрини баён этиш ҳуқуқига эга.

Сенат аъзолигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилганидан кейин уни яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Таклиф этилган у ёки бу номзод рад этилган ҳолда, муҳокама этиш ва яширин овоз бериш бюллетенига киритиш учун бошқа номзодни фақат Оқсоқоллар кенгаши кўрсатиши мумкин.

Сенат аъзолигига номзодларни муҳокама қилиш депутатларнинг қўшма мажлиси қарорига биноан тугалланади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этаётган депутатлар кўпчилигининг овозини олган Сенат аъзолигига номзод яширин овоз бериш бюллетенига киритилган ҳисобланади.

10. Яширин овоз бериш бюллетенининг намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Яширин овоз бериш бюллетенида уни тўлдириш тартиби ҳақида тушунтириш берилган бўлиши лозим. Бюллетень юз томонининг ўнг юқори бурчагида муҳр ва санок комиссиясининг камида икки нафар аъзосининг имзоси бўлиши керак.

11. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчилари орасидан тўққиз аъзогача, шу жумладан комиссия раиси ва котибидан иборат таркибда санок комиссияси сайланади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Сенат аъзолигига сайлов бўйича санок комиссияси уч аъзодан иборат таркибда сайланади.

Санок комиссиясининг таркибига Сенат аъзолигига номзод киритилиши мумкин эмас.

Санок комиссияси:

– Сенат аъзолигига сайлов бўйича овоз беришни ташкил қилади ва ўтказиши;

– депутатлар қўшма мажлисининг иштирокчиларига яширин овоз беришни ўтказиш вақти, жойи ва тартибини эълон қилади;

– яширин овоз бериш бюллетенларини уларга Сенат аъзолигига ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исмини алифбо тартибида киритиш йўли билан, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойини кўрсатган ҳолда тайёрлайди;

– овоз берувчиларнинг рўйхатини аниқлайди, уларга яширин овоз бериш бюллетенларини беради;

– яширин овоз бериш бюллетенларининг юз томонига муҳр қўяди ва яширин овоз бериш бюллетенида санок комиссиясининг аъзолари имзоси қўйилган бўлишини таъминлайди;

– овозларни санаб чиқади ва яширин овоз беришнинг натижалари тўғрисида баённома тузади;

– яширин овоз бериш натижаларини депутатларнинг қўшма мажлисига тасдиқлаш учун тақдим этади.

12. Яширин овоз бериш бошланишидан олдин Санок комиссиясининг раиси овоз беришни ўтказиш тартибини эълон қилади, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов кутисини текширади ва муҳрлайди.

Сайлов кутиси унинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади.

Депутатларнинг қўшма мажлисида иштирок этувчи депутат санок комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга яширин овоз бериш бюллетени берилади.

Яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида ўзи ёқлаб овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодларнинг фамилиялари рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратларга белги-крестик қўйиш йўли билан тўлдирилади.

Овоз берувчи тўлдирилган яширин овоз бериш бюллетенини кўринарли жойда туриши лозим бўлган сайлов кутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тугаллангандан кейин фойдаланилмаган, шунингдек бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетенлари уларга махсус штамп қўйиш йўли билан бекор қилинади, шундан сўнг улар муҳрланади ва алоҳида сақланади.

13. Овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқланмагунга қадар та-наффуссиз амалга оширилади.

Сайлов кутисидаги яширин овоз бериш бюллетенларига асосан Санок комиссияси: овоз беришда иштирок этган депутатларнинг умумий сонини; Сенат аъзолигига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Овоз берувчи томонидан сайлов бюллетенига қўшимча ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги яширин овоз бериш бюллетенлари, овоз бериш вақтида битта ҳам квадратга белги-крестик қўйилмаган бюллетенлар, шунингдек юз томонида муҳр ва санок комиссияси

аъзоларининг имзоси бўлмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Овоз бериш натижаларига кўра давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг овоз беришда қатнашган эллик фоизадан ортиқ Сенат аъзолигига номзодларни ёқлаб овоз берган бўлса, улар сайланган деб ҳисобланади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари бўйича баённома тузилади. Мазкур баённома санок комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатиш киритилишига йўл қўйилмайди.

Санок комиссияси раисининг маърузасига кўра депутатларнинг қўшма мажлисида яширин овоз бериш натижаларини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, у депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов яқунлари тўғрисидаги баённомасида акс эттирилади.

Депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов яқунлари тўғрисидаги баённомаси икки нусхада тузилиб, раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатиш киритилишига йўл қўйилмайди.

Агар овоз беришда яширин овоз бериш бюллетенига киритилган номзодлардан кимдир сайланмай қолса, бўш қолган Сенат аъзолигига ўринларни тўлдириш учун янги сайлов тайинланади.

Сенат аъзоларини тўлдириш бўйича янги сайлов асосий сайловлар ўтгандан сўнг икки кун давомида ўтказилади. Қўшма мажлисни ўтказиш вақти, жойи ва кунини қўшма мажлис қарори билан белгиланади.

14. Сайланган Сенат аъзоларини рўйхатдан ўтказиш учун депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов яқунлари тўғрисидаги баённомаси икки кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

Депутатлар қўшма мажлисининг Сенат аъзолигига сайлов яқунлари тўғрисидаги баённомасининг иккинчи нусхаси ва Сенат аъзолигига сайловни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашлари архивларида сақланади.

**Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига  
номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартибини белгилайди.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (бундан буён – Қонунчилик палатаси) депутатлигига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан (бундан буён – Экоҳаракат) номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш олий орган – Экоҳаракат Конференцияси (бундан буён – Экоҳаракат Конференцияси) томонидан амалга оширилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат Конференциясида Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлигидан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан) бир нафардан, Экоҳаракатнинг Марказий Кенгаши Ижроия кўмитасидан бир нафар, жами ўн беш нафар депутат сайланади.

2. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш учун мазкур ҳаракат сайловга камида 70 кун қолганида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига (бундан буён – Марказий сайлов комиссияси) қонунга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиши тўғрисидаги қарорини

ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Экоҳаракат қонунчилиқда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи маълумотномасини тақдим этади.

3. Ушбу Низомнинг 2-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат вакилига сана қайд этилган маълумотнома беради ва беш кунлик муддатда Экоҳаракатнинг Конференциясини ўтказишга доир тегишли қарор қабул қилади. Экоҳаракат Конференцияси Қонунчилик палатаси депутатлари ваколатлари Конституциявий муддати тугаган йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу масала юзасидан қарори марказий матбуотда эълон қилинади.

4. Марказий сайлов комиссиясининг Экоҳаракатнинг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича Конференцияси ўтказилиши тўғрисидаги қарорига мувофиқ, унинг бошланишига камида ўттиз беш кун қолганида Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмаларининг конференциялари ўтказилиб, уларда Экоҳаракат Конференциясига Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан тенг миқдорда йигирма беш нафар делегатдан сайланади. Делегатлар ўн саккиз ёшга тўлган ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган шахслар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари конференцияларида Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирок этади.

5. Экоҳаракат Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференция ўтказиш жойи ва вақтини белгилайди ва унинг ўтказилишидан ўн кун илгари бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясини хабардор этади.

Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат Конференциясида иштирок этиш учун ўз вакилларини белгилайди.

6. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилади.

Экоҳаракатнинг Конференциясида кузатувчилар, шу жумладан хорижий кузатувчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиши мумкин.

Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича тадбирларни ёритиш учун давлат оммавий ахборот воситаларининг эфир вақти, босма майдони бепул ажратилади.

7. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар бўйича таклифларни аниқлаш ва киритиш учун Экоҳаракат Конференциясида очик овоз бериш орқали овозларнинг оддий кўпчилиги билан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш бўйича Кенгаш (бундан буён – Кенгаш) сайланади. Кенгаш Экоҳаракатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳар бир ҳудудий бўлинмасидан обрўли делегатлар орасидан раис ва аъзолар таркибида ўн беш кишидан иборат этиб сайланади.

Кенгаш ўз мажлисини алоҳида хонада ўтказади. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун шахсларни танлаш Экоҳаракат фаолиятида фаол иштирок этаётган ҳамда табиат ва аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича парламентда самарали ишлашга қодир Экоҳаракат Конференцияси делегатлари орасидан амалга оширилади.

Кенгаш депутатликка номзод сифатида ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан) учдан беш кишигача ва Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасидан камида икки нафар номзод кўрсатади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхати Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар) бўйича алоҳида тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 2-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари ҳамда 25-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб беришлари шарт.

8. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхати Конференцияда Кенгаш раиси томонидан ўқиб эшиттирилади. Кенгашнинг бир ёки бир нечта аъзоси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сифатида кўрсатилган тақдирда, улар ўрнига Кенгашга ушбу Низомда белгиланган тартибда бошқа делегатлар сайланади.

9. Экоҳаракат Конференциясида Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилади.

Экоҳаракат Конференциясида иштирок этаётган ҳар бир делегат Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодга саволлар бериш, номзодга нисбатан ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўз фамилиясини яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганга қадар исталган вақтда номзодликдан воз кечиши мумкин.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат Конференциясида Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Яширин овоз бериш бюллетени Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган намуна бўйича тайёрланади.

Яширин овоз бериш бюллетенида уни тўлдириш тартиби ҳақида тушунтириш бўлиши лозим. Бюллетень юз томонининг ўнг юқори бурчагида Санок комиссиясининг муҳри ва камида икки аъзоси имзоси бўлиши керак.

10. Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзод бўйича алоҳида муҳокама ўтказилганидан сўнг унинг фамилиясини яширин овоз бериш бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинган бўлса, эгаллаб турган лавозимидан (хизматидан) озод қилиш тўғрисидаги аризаси талаб қилинади.

11. Экоҳаракат Конференциясида иштирок этаётган делегатларнинг кўпчилиги овозини олган делегат яширин овоз бериш бюллетенига киритилган ҳисобланади. Экоҳаракатдан депутатларни сайлаш бўйича овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ва Экоҳаракат Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси бўйича алоҳида ўтказилади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракатнинг Марказий Ижроия кўмитаси бўйича овоз берувчиларга алоҳида бюллетень берилади.

12. Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун делегатлар орасидан етти нафар аъзо, шу жумладан комиссия раиси ва котибидан иборат санок комиссияси сайланади.

Санок комиссияси таркибига Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, Кенгаш раиси ва аъзоси сайланиши мумкин эмас.

Санок комиссияси:

Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича овоз беришни ташкил қилади ва ўтказади;

делегатларга яширин овоз бериш вақти, жойи ва тартибини эълон қилади;

яширин овоз бериш бюллетенларини уларга Қонунчилик палатаси депутатлигига ҳар бир номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исмини алифбо тартибида киритиш йўли билан туғилган санаси, лавозими (машғулоти тури) ва иш жойини кўрсатган ҳолда тайёрлайди;

овоз берувчиларнинг рўйхатини аниқлайди, уларга яширин овоз бериш бюллетенларини беради;

яширин овоз бериш бюллетенларининг юз томонига муҳр қўяди ва бюллетенда комиссиянинг камида икки нафар аъзоси имзолари бўлишини таъминлайди;

овозларни санаб чиқади ва яширин овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади;

яширин овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани Конференция тасдиғига киритади.

13. Яширин овоз бериш бошланишидан олдин Санок комиссиясининг раиси овоз бериш ўтказилиши тартибини эълон қилади, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини текширади ва муҳрлайди.

Экоҳаракат Конференциясида иштирок этаётган делегат санок комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилади ва овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга яширин овоз бериш бюллетенлари берилади.

Яширин овоз бериш бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод фамилияси рўпарасига, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўйиш орқали тўлдирилади.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенларини кўринарли жойда туриши лозим бўлган сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетени овоз берувчининг илтимосига биноан янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тугаганидан кейин фойдаланилмаган, шунингдек бузиб қўйилган яширин овоз бериш бюллетенлари намунаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган махсус штамп қўйилиши орқали бекор қилинади. Шундан сўнг улар муҳрланади ва алохида сақланади.

14. Овозларни санаб чиқиш санок комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқлангунга қадар танаффуссиз амалга оширилади.

Сайлов қутисидаги яширин овоз бериш бюллетенларига асосан Санок комиссияси қуйидагиларни аниқлайди:

овоз беришда иштирок этган делегатларнинг умумий сонини;  
бюллетенлар олган делегатлар сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;  
ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини.

Белгиланмаган намунадаги яширин овоз бериш бюллетенлари, шунингдек овоз беришда белги-крестик биттадан ортиқ квадратга қўйилган ёки уларнинг бирортасига қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

15. Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар, башарти Конференцияда иштирок этган делегатларнинг эллик фоизидан ортиги уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Агар номзодларнинг бирортаси овоз беришда иштирок этган Экоҳаракат Конференцияси делегатлари овозлари эллик фоизидан кўпроғини ололмаган бўлса, шу Конференцияда энг кўп овоз олган икки нафар депутатликка номзодлар бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз беришда бошқа депутатликка номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган ҳисобланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг айрим маъмурий-ҳудудий бирлиги ёки Экоҳаракатнинг Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони жами бюллетенларнинг ўттиз фоизидан ортиғини ташкил қилса, ушбу Конференцияда Ўзбекистон Республикасининг мазкур маъмурий-ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракатнинг Марказий Ижроия қўмитаси бўйича такрорий овоз бериш ўтказилади.

16. Санок комиссияси томонидан овоз бериш натижалари бўйича баённома тузилиб, у Санок комиссияси раиси, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади. Баённомани қаламда тўлдириш ва унга бирон-бир тузатиш киритишга йўл қўйилмайди. Баённома Санок комиссияси раиси томонидан ўқиб эшиттирилади. Санок комиссиясининг ушбу баённомаси раислик қилувчи томонидан очик овозга қўйилади ва оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

Баённома Санок комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда, Экоҳаракат Конференцияси Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

17. Экоҳаракат Конференциясида баённома юритилиб, у раислик қилувчи томонидан имзоланади.

18. Экоҳаракат Конференциясида Марказий сайлов комиссиясига хужжатларни тақдим этиш учун Экоҳаракат олий органининг вакили сайланади.

19. Экоҳаракат олий органининг вакили Экоҳаракат Конференцияси ўтказилганидан кейин уч кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссиясига сайланган Қонунчилик палатаси депутатларининг рўйхатини тақдим этади. Унга қуйидагилар илова қилинади:

Экоҳаракат Конференциясининг ушбу ҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари сайланганлиги тўғрисидаги қарори;

Экоҳаракат Конференцияси баённомасидан кўчирма, унда Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулот тури), иш ва яшаш жойи кўрсатилади;

сайланган депутатнинг Қонунчилик палатаси депутати этиб рўйхатга олинган тақдирда бажараётган ишидан (хизматидан) озод қилиш ҳақидаги аризаси.

20. Марказий сайлов комиссияси Экоҳаракат олий органининг тегишли қарори асосида сайланган Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олади ва бу ҳақда уларни ёзма равишда хабардор қилади.

21. Экоҳаракатдан Қонунчилик палатаси депутатлари такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар Экоҳаракатдан депутатлар сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса;

агар такрорий овоз бериш сайланган Қонунчилик палатаси депутатини аниқлашга имкон бермаган бўлса;

агар камида икки нафар депутатликка номзод кўрсатилиб, уларнинг биронтаси сайланмаган бўлса.

Депутатларнинг такрорий сайлови Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан Экоҳаракат Конференцияси томонидан асосий сайловдан кейин бир ойдан кечиктирмай, ушбу Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

22. Конференция қарорлари, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ баённома ва бошқа ҳужжатлар Марказий сайлов комиссиясининг 2007 йил 28 декабрдаги 368-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари сайлови ва референдумга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни сақлаш ва архивга топшириш тартибига мувофиқ Экоҳаракат архивида сақланади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига  
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда  
маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига ва Сенат аъзолигига номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

3. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағларини ихтиёрий равишда беришлари мумкин. Бу маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) сайлов кампанияси вақтида фойдаланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

4. Сайлов кампанияси ўтказишни молиялаштириш куйидагича амалга оширилади:

марказлаштирилган, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштириш харажатлари – Марказий сайлов комиссияси томонидан;

округ ва участка сайлов комиссияларининг сайлов билан боғлиқ харажатлари – округ сайлов комиссиялари томонидан округ сайлов комиссиялари жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) ҳокимликларининг бухгалтерияси орқали;

халқ депутатлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига сайлов харажатлари – вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тегишли ҳокимликларнинг бухгалтерияси орқали.

## **2-боб. Сайлов харажатларини режалаштириш**

5. Марказий сайлов комиссияси бюджет талабномасини тақдим этаётганда, башарти режалаштирилаётган йилда сайлов ўтказилиши мўлжалланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатларини белгилайди.

6. Давлат бюджети асосий кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқлангач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан белгиланган харажатлар ҳажмига асосан Марказий сайлов комиссияси барча харажатларни инobatга олган ҳолда ҳар бир округ сайлов комиссиясининг индивидуал харажатлари сметасини тасдиқлайди.

7. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланган харажатлар ҳажмларига мувофиқ ҳудуд бўйича сайлов харажатлари сметаси ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ҳамда туман ва шаҳардаги сайлов комиссияларининг харажатлари бўйича ҳисоб-китоб илова қилинган ҳолда тасдиқланади.

8. Харажатлар сметаларини тузишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан кейин Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш харажатларини молиялаштириш жадвали ҳисобга олинади.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов харажатларини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган бюджет маблағлари бўйича ха-

ражатлар сметаси асосида давлат маблағлари ҳисобидан куйидаги тартибда амалга оширилади:

Марказий сайлов комиссиясига марказлаштирилган харажатларга, шу жумладан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга – Марказий сайлов комиссияси томонидан Молия вазирлиги топшириқлар сертификатлари ва тўлов топшириқномасини бериш йўли билан Ғазначилик орқали;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг харажатлари учун округ сайлов комиссияларига – округ сайлов комиссиялари жойлашган манзил бўйича туман (шаҳар) Ғазначилиги бўлимлари орқали ҳамда вилоят, туман (шаҳар) сайлов комиссияларининг халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш харажатлари учун зарур суммаларни Республика бюджети асосий ҳисоб рақамидан Республика ғазначилик ҳисоб рақамига ўтказиш учун Молия вазирлиги томонидан топшириқ сертификатлари ва тўлов топшириқномаларини расмийлаштириш йўли билан Ғазначиликнинг тегишли ҳудудий бошқармалари орқали.

10. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

11. Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун давлат маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Республика ғазначилик ҳисоб рақамидан партиянинг ушбу мақсадлар учун махсус очилган ҳисоб рақамига Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда Марказий сайлов комиссияси томонидан Ғазначиликка тақдим этилган тўлов топшириқномалари асосида ўтказилади.

Сиёсий партиянинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун Марказий сайлов комиссиясининг махсус банк ҳисоб рақамидан партиянинг ушбу мақсадлар учун махсус очилган ҳисоб рақамига сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар томонидан сайловни ўтказиш учун ихтиёрий равишда берилган маблағлар ўтказилиши мумкин.

12. Сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга; депутатликка номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

13. Сайловга мўлжалланган маблағларни сарфлаш учун Ҳазначиликнинг тегишли бўлинмалари ҳузурида Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган бюджет маблағлари бўйича харажатлар сметаси асосида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга кўра Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари, шунингдек тегишли ҳудуд сайлов комиссиялари учун давлат бюджети харажатлари бўйича Ҳазначилик ҳисоб варақлари очилади.

Сайлов учун мўлжалланган маблағларни ҳисобга олиш ва сарфлаш учун сиёсий партияларга хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда партиянинг депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда ушбу Йўриқноманинг 11-бандида кўрсатилган махсус ҳисоб рақамлари очилади.

14. Сайлов кампаниясини молиялаштириш учун сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағлар Марказий сайлов комиссиясига хизмат кўрсатувчи тегишли банкда очилган махсус бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига қайд этилади.

15. Сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва фуқаролардан келиб тушган маблағларни сарфлаш Марказий сайлов комиссияси қарорлари асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга сарфланади.

16. Округ ва участка сайлов комиссиялари харажатларини тўлаш учун тегишли округ сайлов комиссияси қарори асосида те-

гишли ҳокимликлар бухгалтерияси Ғазначиликнинг уларга хизмат кўрсатадиган ҳудудий бўлинмаларига тегишли округ сайлов комиссияси раиси (биринчи имзо) ва тегишли ҳокимликнинг бош бухгалтери (иккинчи имзо) томонидан имзоланган тўлов топшириқномалари тақдим этилади.

Ушбу мақсадлар учун округ сайлов комиссиялари томонидан Ғазначиликнинг уларга хизмат кўрсатадиган ҳудудий бўлинмаларига белгиланган тартибда округ сайлов комиссиялари раисларининг (биринчи имзо) ва тегишли ҳокимликлар бош бухгалтерларининг (иккинчи имзо) имзо намуналари ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг комиссия шахсий таркиби бўйича қарори нусхаси тақдим этилади.

17. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан озод этилган сайлов комиссияларининг аъзоларига ўртача иш ҳақи тўлаш сайлов комиссиясининг қарори асосида комиссия аъзосини асосий иш жойидан хизмат ёки ишлаб чиқариш вазифасини бажаришдан ўртача иш ҳақини кўрсатган ҳолда озод этиш тўғрисидаги буйруқнинг нусхаси тақдим этилган тақдирдагина амалга оширилади.

18. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияларининг аъзоларига (агарда асосий иш жойидан иш ҳақи тўлиқ олинса ҳамда нафақада бўлиб иш жойига эга бўлса) сайловга ажратилган маблағлар ҳисобидан (иш ҳақи олинмаган тақдирда) энг кам миқдоридаги иш ҳақи ҳисобидан мукофот берилади.

19. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияларининг аъзолари (нафақада ҳамда бошқа иш жойига эга бўлмаган шахсларга) иш ҳақи тўланмайди.

20. Сиёсий партиялар сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг, уч кунлик муддатда фойдаланилмаган маблағларни Марказий сайлов комиссиясининг ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда Республика ғазначилиги ҳисоб рақамига ўтказадилар. Ушбу маблағлар бир банк иш куни мобайнида Молия вазирлигининг Республика бюджети ҳисоб рақамига ўтказилади.

21. Агар сайлов натижаларига кўра сиёсий партия фракция тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини молиялаштиришга ажратилган маблағларни сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг уч ой мобайнида

Марказий сайлов комиссиясига унинг ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда Республика ғазначилиги ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак. Марказий сайлов комиссияси эса бир банк иш куни мобайнида маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Республика бюджети ҳисоб рақамига қайтариб бериши керак.

22. Товар-моддий бойликларнинг қолдиғи округ сайлов комиссияси раисининг қарори билан сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин тегишли ҳокимлик балансига ҳақ тўламаган асосда қабул қилинади.

### **3-боб. Ҳисобга олиш ва ҳисобдорлик**

23. Сайловга ажратилган маблағлар келиб тушишини ҳисобга олиш Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини таснифлашнинг тегишли параграфига мувофиқ амалга оширилади.

24. Давлат бюджети маблағлари сайловга сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот сайлов натижалари эълон қилинганидан сўнг қуйидагича тақдим қилинади:

Сиёсий партиялар томонидан сайлов билан боғлиқ харажатларга ажратилган маблағлар бўйича – Марказий сайлов комиссиясига 20 кундан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалари (рўйхат рақами 2270, 2011 йил 27 сентябрь) (бундан буён матнда Қоидалар деб юритилади) 2-иловасидаги шаклга мувофиқ;

Марказий сайлов комиссияси томонидан – Молия вазирлигига алоҳида сайлов билан боғлиқ марказлаштирилган харажатлар ва сиёсий партияларнинг сайлов вақтидаги харажатлари бўйича 30 кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг иловаси ва Қоидаларнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ;

тегишли ҳокимликлар бухгалтериялари томонидан – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли молия бошқармаларига, Ғазначиликнинг тегишли бўлинмалари билан келишилган ҳолда 20 кундан кечиктирмасдан, мазкур Йўриқноманинг иловаси ва Қоидаларнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ Олий Мажлисга ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар бўйича алоҳида-алоҳида;

Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тегишли ҳудуддаги округ сайлов комиссиялари бўйича ҳар бир Олий Мажлис сайлови бўйича округ юзасидан алоҳида жамлама ҳисоботни – Молия вазирлиги-га 25 кундан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг иловаси ва Қоидаларнинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ равишда.

25. Сайлов ўтказиш харажатлари учун бюджет маблағларидан фойдаланиш бўйича операциялар бухгалтерия ҳисоби тегишли ҳокимликлар бухгалтерияси томонидан асосий харажатлар сметаси ижроси тўғрисидаги бухгалтерия ҳисобидан алоҳида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **4-боб. Маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат**

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги ҳудудий органлари маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар.

27. Тегишли сайлов комиссиялари раислари маблағлардан мақсадли фойдаланиш ва улар юзасидан ўз вақтида ҳисобот тақдим қилиш учун масъулдир.

28. Тижорат банклари, туман ғазначилик ва молия бўлинмалари сайлов комиссиялари аъзолари сўровига асосан сайловга ажратилган маблағларни уч кун ичида нақд пул шаклида берилишини таъминлаши юклатилади.

#### **5-боб. Яқуний қоидалар**

29. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан келишилган.

30. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари сайлов тугаганидан сўнг, сайлов жараёнида фойдаланиладиган моддий бойликларнинг (герб, байроқ, кабиналар ва ҳоказо) кейинги сайловга қадар соз ҳолатда сақланиши учун туман ҳокимлигининг масъул мансабдор шахслари масъулдирлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатасига сайлов ўтказиш харажатлари тўғрисида  
ҲИСОБОТ**

Худуд \_\_\_\_\_  
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри

Ўлчов бирлиги: минг сўм

**ХАРАЖАТЛАР**

| Кўрсаткич   | Сатр<br>коди | Тасдиқ-<br>ланган | Ижро<br>этилган |
|---|--------------|-------------------|-----------------|
| 1   | 2            | 3                 | 4               |
| Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича комиссияларнинг харажатлари |              |                   |                 |
| Округ комиссияларининг сони   | 010          |                   |                 |
| Сумма   | 020          |                   |                 |
| Участка комиссияларининг сони   | 030          |                   |                 |
| Сумма   | 040          |                   |                 |
| Марказий сайлов комиссиясининг жами:  | 050          |                   |                 |
| Шу жумладан   |              |                   |                 |
| Марказлаштирилган харажатлар  | 060          |                   |                 |
| Сиёсий партияларнинг харажатлари  | 070          |                   |                 |
| <b>Жами (020+040+050)</b>   | <b>(080)</b> |                   |                 |

Сайлов комиссиясининг раиси (молия органининг бошлиғи): \_\_\_\_\_

Бош бухгалтер: \_\_\_\_\_

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

*Изоҳ:* жамлама ҳисобот молия органи бошлиғи ва бош бухгалтери томонидан имзоланади.



## ДАЛОЛАТНОМА №

2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ шаҳри

Комиссия қуйидаги таркибда \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари сайловлари ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш ва архивларга топшириш тартиби» ҳақидаги қарорига асосан илмий-тарихий қийматга эга бўлмаган, амалий аҳамиятини йўқотган ва белгиланган сақланиш муддатлари тугаган қуйидаги ҳужжатлар йўқ қилиниши учун ажратиб олинган:

(ташкилот номи)

| № | Ишларнинг номи<br>(сарлавҳаси) | Ишларнинг<br>(ҳужжатларнинг)<br>сўнги саналари | Ишлар<br>сони | Сақланиш<br>муддатлари | Изоҳлар |
|---|--------------------------------|--|---------------|------------------------|---------|
|   |                                |  |               |                        |         |

Жами: \_\_\_\_\_ йилларда \_\_\_\_\_ иш, томдан иборат ҳужжатлар бўлақларга майдалаш ва ёки ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинади.

(Махфий ахборотдан иборат ҳужжатлар фақат ёқиб юбориш орқали йўқ қилинади)

Комиссия аъзолари 1. \_\_\_\_\_  
2. \_\_\_\_\_  
3. \_\_\_\_\_

«Маъқуллайман»

Туман (шаҳар) ҳокимлиги ЭК

2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

№

## ДАЛОЛАТНОМА №

2014 йил «\_\_» декабрь

Келес шахри

Комиссия қуйидаги таркибда – раис (лавозим ва Ф.И.Ш.), комиссия аъзолари (лавозим ва Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси-нинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари сайловлари ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни сақлаш ва архивларга топшириш тартиби» ҳақидаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари сайловлари ва референдумга оид ҳужжатлар, шу жумладан муҳрлар, сайлов кутилари, давлат герби, байроғи ва бошқа товар-моддий бойликлари Зангиота туман ҳокимлигининг масъул мансабдор шахслари – \_\_\_\_\_ (лавозим ва Ф.И.Ш.) **топширувчи** томонидан топширади ва \_\_\_\_\_ (лавозим ва Ф.И.Ш.) **қабул қилувчи** моддий жавобгарлигига қуйидаги **товар-моддий бойликлар рўйхатига** асосан қабул қилади:

| №  | Товар-моддий бойликлар номи       | Ўлчов бирлиги | Сони | Ишлаб чиқарилган (қабул қилинган) йили | Изоҳлар |
|----|-----------------------------------|---------------|------|--|---------|
| 1. | Мухр, думалоқ резинали            | дона          |      |  |         |
| 2. | Мухр, думалоқ мисдан, сургуч учун | дона          |      |  |         |
| 3. | Давлат байроғи (ички)             | дона          |      |  |         |
| 4. | Давлат байроғи (ташқари)          | дона          |      |  |         |
| 5. | Флагшток (ички)                   | дона          |      |  |         |
| 6. | Флагшток (ташқари)                | дона          |      |  |         |

|     |   |               |  |  |  |
|-----|---|---------------|--|--|--|
| 7.  | Давлат герби                                  | дона          |  |  |  |
| 8.  | Сайлов кутиси (катта)                         | дона          |  |  |  |
| 9.  | Сайлов кутиси (кичик)                         | дона          |  |  |  |
| 10. | Сайлов кутиси (кўчма)                         | дона          |  |  |  |
| 11. | Сайлов кабинаси<br>(4-галик)                  | ком-<br>плект |  |  |  |
| 12. | Сайлов кабинаси<br>(2-галик)                  | ком-<br>плект |  |  |  |
| 13. | Сайлов қонунчилигига<br>оид рисолалар тўплами | ком-<br>плект |  |  |  |
| 14. | Канцелярия товарлари                          | ком-<br>плект |  |  |  |
| 15. | ва ҳ.к.                                       |               |  |  |  |

(бошқа товар-моддий бойликлар номи ва сонларини киритиш мумкин)

**Комиссия раиси:** \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

**Комиссия аъзолари:**

1. \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

2. \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

3. \_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

1. Ушбу рўйхатда 1 сондан 13 сонгача кўрсатилган ҳамма товар-моддий бойликлар менинг иштирокида санаб чиқилган ва рўйхатга киритилган, комиссия аъзоларига даъвоим йўқ.

**Топширувчи** моддий жавобгар шахс:

\_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

2. Ушбу рўйхатда 1 сондан 13 сонгача кўрсатилган товар-моддий бойликлар менинг иштирокида санаб чиқилган ва рўйхатга киритилган, менинг жавобгарлигимга қабул қиламан ва сақлайман.

**Қабул қилувчи** моддий жавобгар шахс:

\_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Ушбу рўйхатдаги номларни ва сонларни бирламчи ҳужжатлар билан солиштириб текшириб чиқдим:

\_\_\_\_\_ (лавозим) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Ушбу далолатнома уч (1 та комиссия раисига, 2 та моддий жавобгар шахсларга, 1 та ҳокимлик ҳисобхонасига) нусхада расмийлаштирилган.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар  
ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига мувофиқ тайёрланган.

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказишда яқка тартибда ва халқаро миссия таркибида кузатувларни олиб борувчи чет эллик (халқаро) кузатувчилар фаолиятини белгилаб беради.

**І. Умумий қоидалар**

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ҳамда овозларни санаб чиқишда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар (бундан буён матнда хорижий (халқаро) кузатувчилар деб юритилади) қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикасига қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда келади.

3. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколат муддати уларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан мандат берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

4. Хорижий (халқаро) кузатувчилар ўз фаолиятларини мустақил равишда амалга оширадilar. Уларнинг моддий-маиший таъминоти уларни вакил сифатида юборган давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## **II. Хорижий (халқаро) кузатувчиларни таклиф этиш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби**

5. Хорижий (халқаро) кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш таклифини Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Таклифда кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, иш жойи, қайси давлат, халқаро ташкилот ва ҳаракат вакили эканлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тахминий жойи кўрсатилиши лозим.

Таклифномада миссия таркиби ва сонига доир кўрсатмалар ўз аксини топиши мумкин.

6. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномаси асосида Ўзбекистонга сайловда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун келган хорижий (халқаро) кузатувчиларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилади ва бу ҳақда қарор қабул қилинади.

7. Марказий сайлов комиссияси хорижий (халқаро) кузатувчиларга белгиланган намунадаги мандат беради (илова қилинади). Ушбу мандат хорижий (халқаро) кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлади.

## **III. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби**

8. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни, Марказий сайлов комиссияси қарорлари ҳамда ушбу Низом билан тартибга солинади.

9. Хорижий (халқаро) кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳимояси остида бўладilar.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари, участка сайлов комиссиялари ўз ваколатлари доирасида хорижий кузатувчиларга ўз фаолиятини амалга оширишига кўмаклашадилар.

11. Хорижий (халқаро) кузатувчи барча даражадаги сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кирганида, Марказий сайлов комиссияси томонидан унга берилган мандатни ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши лозим.

12. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасига мувофиқ хорижий (халқаро) кузатувчилар:

округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда сайловга тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраб олиш;

агар сайлов участкасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Хорижий кузатувчилар шунингдек, Экоҳаракатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Конференциясида иштирок этиши мумкин.

13. Шу билан бирга хорижий (халқаро) кузатувчилар:

сайлов комиссияси вакилларига, уларнинг ишларига аралашмаган ҳолда ўз кузатувлари, тавсиялари ҳақида хабардор қилиш;

овоз бериш вақти тугагач, сайлов тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳақида, ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказилиши бўйича ўз фикрини баён қилиш;

сайлов ташкилотчиларига, давлат ҳокимияти органларига ҳамда тегишли мансабдор шахсларга сайлов ўтказишни кузатиш натижалари бўйича ўз хулосаларини тақдим этишга ҳақлидир.

14. Хорижий (халқаро) кузатувчилар:

ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорларига, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига амал қилишлари;

ёнларида Марказий сайлов комиссияси томонидан берилган мандатни олиб юришлари ҳамда сайлов ташкилотчилари талабига мувофиқ уни кўрсатишлари;

сайлов устидан халқаро кузатувни амалга ошириш борасидаги ўз вазифаларини холислик, сиёсий бетарафлик принципларига амал қилган ҳолда бажаришлари, сайлов комиссиялари, давлат органлари, мансабдор шахслар, сайлов жараёни иштирокчиларига нисбатан қандай бўлмасин бирон-бир тарзда афзаллик билдиришдан воз кечишлари;

сайлов жараёнига аралашмасликлари;

ўз ҳулосаларини ўтказилган кузатув ва ҳақиқий материалга асослантиришлари лозим.

15. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасига мувофиқ хорижий (халқаро) кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрлаш, уларни очиш, овозларни санаб чиқиш ишларига аралаштириш.

#### **IV. Сайлов қонунчилигини ва хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик учун жавобгарлик**

16. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ,

халқаро кузатувчилар мазкур Низом билан белгиланган ўз ваколат доирасидан четга чиқувчи фаолиятни амалга оширишга, шунингдек сайловга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва сайлов кампаниясининг боришини кузатиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланишда ўз мақомидан фойдаланишга ҳақли эмас.

17. Агар хорижий (халқаро) кузатувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларини, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларини бузса, Марказий сайлов комиссияси хорижий (халқаро) кузатувчи ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

18. Хорижий (халқаро) кузатувчиларнинг ҳуқуқларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

# ХОРИЖИЙ (ХАЛҚАРО) КУЗАТУВЧИ МАНДАТИНИНГ НАМУНАСИ ВА ТАВСИФИ

Ўзбекистон республикаси  
Марказий сайлов комиссияси

001

*хорижий (халқаро) кузатувчининг*

## МАНДАТИ

---

(фамилия)

---

(исми)

---

(мамлакат, ташкилотнинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Қонунчилик палатаси сайловида  
хорижий (халқаро) кузатувчи  
сифатида рўйхатга олинган

**Марказий сайлов комиссияси**

**Раиси**

*М.Ў.*

---

(имзо)

Берилган вақти 2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.**

*Хорижий (халқаро) кузатувчининг мандати унинг мақомини тасдиқловчи ҳужжатдир.*

*Мандат намунада реквизитлари келтирилган 140 x 100 мм. ўлчовли уч хил рангдаги намунавий бланкда расмийлаштирилади. Мандатда унинг тартиб рақами, хорижий (халқаро) кузатувчининг фамилияси, исми, уни вакил сифатида юборган мамлакат ва (ёки) ташкилот номи, мандатнинг берилган вақти ва амалда бўлиш шарти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг гербли думалоқ муҳри голограммаси билан мустаҳкамланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг имзоси қўйилади.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик  
палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини  
тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта ҳудудий сайлов округи тузилади.

2. Ҳар бир сайлов округидан битта депутат сайланади.

3. Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан тузилади. Сайлов округларининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилишини инobatта олган ҳолда белгиланади.

4. Сайлов округлари, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

5. Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

6. Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

## **2-боб. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари ва унга аъзолик**

7. Округ сайлов комиссияси:

сайлов округи ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни ижросини назорат қилади;

сайлов участкаларини тузади, сайлов округи бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

маблағларни участка сайлов комиссиялари ўртасида тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ва сайлов округида сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

депутатликка номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади ва бу номзодларга тегишли гувоҳномалар беради;

депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

депутатликка номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олади ва бу вакилларга тегишли гувоҳномалар беради;

сиёсий партиялар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

сайловчилар рўйхатлари тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

сайлов округи бўйича Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланиши ва участка сайлов комиссиялари улар билан таъминланишини ташкил этади;

муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотларни сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказди;

сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринга депутат сайлови ўтказилишини ташкил этади;

участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

8. Округ сайлов комиссияси аъзоллигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

9. Округ сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

10. Комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

11. Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади.

Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда тайинланади.

12. Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

13. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

### **3-боб. Округ сайлов комиссиялари биноларини жиҳозлаш**

14. Округ сайлов комиссиялари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиши лозим.

15. Округ сайлов комиссияси биносининг пештоқига унинг тартиб рақами, номи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилиши керак.

16. Округ сайлов комиссияси жойлашган бино ичида ёки бошқа кулай жойда махсус стенд жиҳозланади. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳамда сайлов участкалари бўйича барча зарур маълумотлар жойлаштириб борилади.

17. Округ сайлов комиссияси биносида қуйидагилар бўлиши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид ҳужжатлари;

депутатликка номзодларнинг таржимаи ҳоли;

сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари;

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва плакатлар;

округ сайлов комиссиясининг харитаси ва жойлашуви;

округ сайлов комиссияси фаолияти учун зарур бўлган канцелярия анжомлари;

округ сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали.

#### **4-боб. Округ сайлов комиссияси ишини ташкил этиш ва унинг ваколат муддати**

18. Сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилилик овози билан қабул қилинади.

Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

19. Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижро этиши учун мажбурийдир.

20. Сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

21. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

22. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

23. Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб беришлари шарт.

24. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

### **5-боб. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

25. Сайлов округлари бўйича сайлов натижалари фақат участка сайлов комиссияларининг тақдим этилган баённомалари асосида аниқланади.

26. Округ сайлов комиссияси:

округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини;

сайлов бюллетенлари ва варақалари олган сайловчиларнинг сонини;

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини;

ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

27. Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

### **6-боб. Такрорий овоз бериш**

28. Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади.

29. Такрорий овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя этилган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

30. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

31. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

### **7-боб. Сайлов ҳужжатларини сақлаш ва топшириш**

32. Округ сайлов комиссиясида сайлов ҳужжатларининг сақланиши учун масъулият округ сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юкланади.

33. Округ сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари ва муҳрлари тегишли сайлов округидан сайланган депутат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин вилоят ҳокимликларига далолатнома асосида сақлаш учун топширилади.

### **8-боб. Яқуний қоида**

34. Округ сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг  
2014 йил 11 сентябрдаги  
618-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик  
палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов  
комиссияларини тузиш ва уларнинг ишини ташкил  
қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ участка сайлов комиссиясини тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан тузилади.

2. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш – ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади.

3. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

4. Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайрилиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида участка сайлов комиссияси раисининг вазифаларини идора раҳбари амалга оширади. Ушбу идоранинг сайлов ҳужжатларига кўйилган муҳри участка сайлов комиссиясининг муҳрига тенглаштирилади.

## 2-боб. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари ва унга аъзолик

6. Участка сайлов комиссияси:

участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузади;

сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва кўриб чиқади ҳамда рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

сайлов кунини ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олади;

аҳолини сайлов кунини ва овоз бериш жойини тўғрисида хабардор этади;

овоз бериш бинолари ва сайлов кутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилади;

сайлов кунини сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалаларини юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонунларга мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

7. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади.

Участка сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас. Депутатликка номзодлар сайлов комиссияларига аъзо бўлишлари мумкин эмас.

8. Участка сайлов комиссиясининг аъзоси шахсан берган ариза-сига мувофиқ, шунингдек ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзосини ваколатларидан махрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган округ сайлов комиссиясига тегишли бўлиб, комиссия аъзоси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан махрум этилади.

Зарурат бўлганда участка сайлов комиссиясининг янги аъзоси Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда тайинланади.

### **3-боб. Участка сайлов комиссияларининг моддий-техник таъминоти**

9. Участка сайлов комиссиялари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиши лозим.

10. Овоз бериш биноси пештоқига сайлов участкасининг тартиб рақами, номи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ўрнатилиши керак.

11. Участка сайлов комиссиясида сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида овоз бериш биносига олиб борувчи йўналишларга кўрсаткич белгилар қўйилади.

12. Участка сайлов комиссияси жойлашган бино ичида ёки бошқа қулай жойда участка сайлов комиссияси томонидан махсус стенд жиҳозланади. Унда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни бўйича барча зарур маълумотлар жойлаштириб борилади. Ушбу стендаги рўйхатга олинган депутатликка номзодлар тўғрисида маълумотлар, қоида тариқасида, номзодларнинг таржимаи ҳолидан иборат бўлиши ҳамда сайловолди ташвиқоти элементларини ўзида акс эттирмаслиги керак.

13. Участка сайлов комиссияси биносиди:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар, плакатлар;

участка сайлов комиссиясининг харитаси ва жойлашуви;

участка сайлов комиссиясининг таркиби, иш режаси, навбатчилик жадвали;

участка бўйича сайловчилар рўйхати;

овоз бериш хоналари ёки кабиналари, сайлов кутилари;

зарур даражада жиҳозланган ва тиббий мутахассис билан таъминланган тиббиёт хонаси бўлиши лозим.

#### **4-боб. Участка сайлов комиссияси ишини ташкил этиш ва унинг ваколат муддати**

14. Участка сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия таркибининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

15. Участка сайлов комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш орқали комиссия умумий таркибининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини баён этишга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади.

Агар овозлар тенг бўлиниб қолса, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи кучга эга бўлади.

16. Участка сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмларнинг, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларининг ижро этиши учун мажбурийдир.

17. Участка сайлов комиссиясининг қарорига биноан комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

18. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар участка

сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишда ёрдам беришлари, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт.

19. Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бинолар ва жиҳозларни участка сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туришлари шарт.

20. Участка сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органларига ҳамда жамоат бирлашмалари органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, улар комиссия томонидан қўйилган масалани кўпи билан уч кун ичида кўриб чиқишлари ва сайлов комиссиясига жавоб қайтаришлари шарт.

21. Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

### **5-боб. Участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузиш**

22. Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунини ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

23. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

24. Сайловчилар рўйхати ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси билан котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатини тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин.

25. Туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида сайловчилар рўйхатини тузиш учун зарур маълумотларни берадилар.

26. Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчи-сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчилар оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ерда истиқомат қилсалар, рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ўзларининг яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритиладилар.

27. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

28. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади (масалан, алифбо бўйича, аҳоли пунктлари бўйича, оилама-оила, кўпқаватли уйлар бўйича ва ҳ.к.).

29. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

30. Фуқаро сайловчилар рўйхатидан чиқарилганда, бунинг сабаби ва санаси сайловчилар рўйхатининг «алоҳида белгилар» устунига қайд этилади ва участка сайлов комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

### **6-боб. Фуқароларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш**

31. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида (кечи билан 2014 йил 6 декабргача), Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида (кечи билан 2014 йил 14 декабргача) ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

32. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

33. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади. Сайловчилар

рўйхати танишиш учун қулай ва яхши ёритилган жойда жойлаштирилиши лозим.

34. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асослантирилган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

35. Овоз бериш тугалланиб, овозларни санаш бошлангандан кейин, сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш тақиқланади.

### **7-боб. Сайлов бюллетенларини етказиб бериш**

36. Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар.

37. Сайлов бюллетенлари берилганлиги ва олинганлигини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайдилар.

38. Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас.

39. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

### **8-боб. Муддатидан олдин овоз бериш**

40. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

41. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунда бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади.

42. Муддатдан олдин овоз бериш сайлов варақаси орқали амалга оширилади.

43. Участка сайлов комиссиялари сайлов варақаларни округ сайлов комиссияларидан муддатдан олдин овоз беришга камида уч кун қолганида оладилар.

44. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

45. Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

46. Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

47. Сайлов варақасининг шакли Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида округ сайлов комиссияси қарорига асосан чоп этилади.

48. Сайлов варақасига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилади.

49. Сайлов варақасида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак. Сайлов варақалари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

### **9-боб. Овоз бериш**

50. Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов кутилари қўйилган бўлиши лозим.

51. Участка сайлов комиссияси томонидан сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериш ҳукукининг амалга оширилиши таъминланади. Мазкур жараён Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига асосан ўтказилади.

52. Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига рухсат этилмайди.

Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

53. Овоз бериш 2014 йил 21 декабрь куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга камида ўн кун қолганида сайловчиларни оммавий ахборот воситалари, таклифномалар, эълонлар ва шу кабилар орқали хабардор қилади.

54. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

55. Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади.

56. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат билан расмийлаштирилади.

57. Сайлов қутиларини муҳрлашда участка сайлов комиссиясининг металл муҳридан фойдаланилади. Сайлов қутиларини муҳрлашда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчи-

лар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

58. Кузатувчиларга сайлов қутиларини муҳрлашда аралаштириш тақиқланади. Агар кузатувчи участка сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашса, участка сайлов комиссияси уни овоз бериш хонасидан чиқариб юборишга ҳақли. Бундай ҳолларда участка сайлов комиссияси томонидан кузатувчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилиши мумкин.

59. Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

60. Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

61. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Яширин овоз бериш кабиналари яхши ёритилган, иш столчалари билан жиҳозланган, ёзув рўйхатлари билан таъминланган бўлиши керак. Яширин овоз бериш учун кабиналар (хоналар) миқдори участкадаги сайловчиларнинг сонига қараб белгиланади.

62. Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (+) қўяди.

63. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларидан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

64. Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

65. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси билан алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинмиши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

66. Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

67. Сайловчилар турган жойда овоз бериш сайлов куни фуқароларнинг ёзма ёки оғзаки, шу жумладан бошқа шахс ёрдамида етказилган мурожаатлари асосида ташкил этилади.

68. Кузатувчилар сайловчилар турган жойда овоз бериш жараёнида иштирок этиши мумкин. Сайловчилар турган жойда овоз беришни ўтказиш учун бораётган участка сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида муҳрланган кўчма сайлов қутиси ва фақат зарур миқдорда сайлов бюллетенлари бўлиши керак. Сайловчилар турган жойда овоз беришни ўтказиш учун бораётган участка сайлов комиссияси аъзолари бюллетенларни участка сайлов комиссияси раиси ёки котибидан имзо қўйган ҳолда олади.

Участка сайлов комиссияси аъзолари ихтиёридаги кўчма сайлов қутилари сони иккитадан кўп бўлмаслиги лозим.

### **10-боб. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш**

69. Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссиясининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади. Бунда бюллетеннинг пастки чап бурчаги қирқиб ташланади ва бир тахламда боғланади.

70. Сайлов қутилари участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш тугаганини эълон қилганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш қатъиян тақиқланади.

71. Овозлар ажратилган махсус жойда санаб чиқилади. Бунда овозларни санаб чиқишда иштирок этаётганларнинг барчаси участка сайлов комиссияси аъзоларининг ҳаракатларини кузатиб туриш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Овозларни санаб чиқишда участка сайлов комиссияси раиси ва котибидан бошқа комиссия аъзоларининг барчасига ёзиш ашёларидан (ручка, фломастер, қалам) фойдаланиш тақиқланади.

Овозларни санаб чиқиш сайлов натижалари аниқланмагунга қадар танаффуссиз давом эттирилади.

72. Участка сайлов комиссияси участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчиларнинг сонини сайловчилар рўйхатида қайд этилган белгиларни санаб йўли билан аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир депутатликка номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади. Бунда сайлов қутисидан олинган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари ёйилиб, ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари ажратилиши ва саналиши ҳамда овозларни санаб чиқишга киришилиши лозим.

73. Сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари ва варақаларига асосан участка сайлов комиссияси:

овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари ва варақалари сонини аниқлайди.

74. Сайловчилар томонидан сайлов бюллетенлари ва варақаларига қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

75. Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ва варақалари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, сайлов варақасининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирса, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади. Бунда ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетени, сайлов варақасининг орқа томонига уни ҳақиқий эмас деб топиш сабаблари ёзилади ҳамда участка сайлов комиссиясининг уч нафар аъзоси имзоси ва комиссия муҳри билан тасдиқланади.

76. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин. Ваколатли вакил участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

77. Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг

раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоладиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади.

Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

78. Баённома икки нусхада тузилади ва унинг ҳар бир нусхаси участка сайлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг иккинчи нусхаси, сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчилар рўйхати, участка сайлов комиссиясининг қарорлари, мухри, овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлган кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари рўйхати ва сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатлар участка сайлов комиссияси раиси томонидан муҳрланган ҳолда кўриқладиган хонада (бинода) комиссия ўз фаолиятини тугатгунига қадар сақланади.

### **11-боб. Сайлов ҳужжатларини сақлаш ва топшириш**

79. Участка сайлов комиссиясида сайлов ҳужжатларининг сақланиши учун масъулият участка сайлов комиссиясининг раиси зиммасига юкланади. Сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчиларнинг рўйхати, муҳрлар, коида тарикасида, темир сейфларда сақланади.

80. Участка сайлов комиссиясининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлари (сайлов бюллетенлари, сайлов варақалари, сайловчиларнинг рўйхати, мажлис баённомалари, шикоят ва аризалар ҳамда улар бўйича қабул қилинган қарорлар) ва муҳрлари тегишли сайлов округидан сайланган депутат Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин сақлаш учун далолатнома асосида туман ва шаҳар ҳокимликларига топширилади.

### **12-боб. Яқуний қоида**

81. Участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида  
сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка  
номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот  
воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Сайловолди ташвиқоти – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият.

2. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан кейин матнда – Марказий сайлов комиссияси) томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

3. Сайловолди ташвиқотини сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

4. Сайловолди ташвиқоти қуйидаги тарзда олиб борилади:

сиёсий партиянинг дастури ва (ёки) сайловолди платформаси тўғрисидаги ахборотни ўзининг депутатликка номзодларини ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш;

депутатликка номзод тўғрисидаги ахборотни уни ёқлаб овоз беришга даъват этган ҳолда тарқатиш.

5. Сайловолди ташвиқоти омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари, депутатликка номзод, сиёсий партия тўғрисидаги роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

6. Сайловолди ташвиқоти:

оммавий ахборот воситалари, шунингдек умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали;

босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

7. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турлари, шакллари ва усулларида ҳам фойдаланиши мумкин.

## **2-боб. Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш**

8. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини (бир хил жой ва бир хил шрифтда) бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Бунда ҳар бир депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга ажратиладиган бепул эфир вақтининг умумий ҳажми ҳафтасига 40 дақиқани, энг кам нашр майдони эса ҳафталик умумий нашр майдонининг камида 10 фоизини ташкил қилиши керак.

Бепул ажратиладиган нашр майдонининг умумий миқдори рўйхатга олинган депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

9. Давлат оммавий ахборот воситалари ажратадиган бепул эфир вақти прайм-таймга (энг кўп томошабинлар (тингловчилар) йиғиладиган вақт) тўғри келиши керак. Ажратилган бепул эфир вақтидан депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар вакиллари сиёсий дебатлар ўтказиш учун фойдаланишлари мумкин.

10. Давлат оммавий ахборот воситаларида чиқишлар кетма-кетлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан қуръа ташлаш йўли билан ёки алифбо тартибида белгиланади.

11. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

12. Депутатликка номзодлар маҳаллий давлат оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгиланган миқдор ва ҳажмда бепул чиқиш ҳуқуқига эга.

13. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

14. Сайлов кампаниясида иштирок этувчи оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

15. Эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ миқдори тегишли оммавий ахборот воситалари томонидан мустақил равишда белгиланади.

16. Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки нашр майдони ажратиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва тегишли сиёсий партия ўртасида тузиладиган шартнома асосида белгиланади.

17. Эфир вақти ёки нашр майдони берилганлиги учун оммавий ахборот воситаларига ҳақ тўлаш сиёсий партиянинг банк ҳисобварағидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

18. Сайловолди ташвиқоти учун муайян депутатликка номзодга, сиёсий партияга ажратилган бепул эфир вақти ёки нашр майдонидан бошқа депутатликка номзод, сиёсий партия фойдаланиши мумкин эмас, номзоднинг ўз сиёсий партиядан депутатликка номзод сифатида кўрсатилган бошқа шахс учун ташвиқоти бундан мустасно.

19. Давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ҳақ тўланадиган эфир вақти миқдори ёки нашр майдонининг ҳажми сайловолди ташвиқоти учун бепул ажратилган эфир вақти ёки нашр майдони ҳажмидан ошмаслиги керак.

20. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

21. Ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни, шунингдек депутатликка номзодларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

22. Сайловолди тадбирлар ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар ахборот дастурларида ва матбуот нашрларида алоҳида ахборот блоки билан берилиши керак.

23. Сайловолди ташвиқоти материалларини уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг розилигисиз таҳрир қилиш мумкин эмас.

24. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қиладиган даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари бирор-бир депутатликка номзодга ва сиёсий партияга нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устунлик беришга ҳақли эмас, сиёсий партиялар томонидан таъсис этилган даврий нашрлар бундан мустасно.

25. Оммавий ахборот воситаси ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда, у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди йиғилишларида, телевидение ва радиода чиқишлар ўтказиш даврида сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилади.

26. Депутатликка номзоднинг шаъни, кадр-қиммати ёки обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситасида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситасида раддия ёки жавоб берилиши лозим.

27. Раддия ёки жавоб мазкур рукн остида ёки жавоб пайдо бўлишига сабаб бўлган материал жойлашган ўша саҳифада эълон қилиниши, телевидение ёки радиоэшиттириш таҳририяти олган раддия ёки жавоб эса ўша дастур ёки кўрсатувлар (эшиттиришлар) туркумида эфирга узатилади.

28. Агар асосли ва одоб доирасидаги жавоб матнининг ҳажми ва узатиш вақти оммавий ахборот воситасининг фаолиятига салбий таъсир қилмаса, уни таҳрир қилишга йўл қўйилмайди.

29. Депутатликка номзод оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда у айна ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

30. Оммавий ахборот воситаси раддия ёки жавобни эълон қилмаса ёхуд эълон қилишнинг белгиланган муддатини бузса, депутатликка номзод судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли.

31. Сайловолди ташвиқотини хайрия фаолияти билан бирга қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Сайлов кампанияси даврида муассислари (кузатув кенгашлари ва ҳоказо) тегишли сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари бўлган ташкилотларнинг хайрия фаолияти оммавий ахборот воситаларида ёритилмайди.

### **3-боб. Яқуний қондалар**

32. Овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилишга), шу жумладан уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

33. Оммавий ахборот воситалари ажратиладиган эфир вақти ва нашр майдонини ҳисобга олиб боришлари ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тегишли маълумот ҳар ҳафтада тақдим қилишлари керак.

34. Мазкур Низомга риоя этилиши устидан назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси, тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари зиммасига юклатилади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси  
томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини  
текшириш тартиби тўғрисида**

**ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) томонидан текшириш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар.

2. Мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ шаклдаги имзо варақалари сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларга берилади.

3. Имзо варақаси имзо тўплаган масъул шахс ҳамда сиёсий партиянинг туман, шаҳар бўлими раҳбари томонидан тасдиқланади. Бунда имзо варақасида имзо тўплаган масъул шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи (манзили), паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилиши лозим.

4. Сайловчиларнинг имзосини тўплаш тамомланганидан сўнг имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакили томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилади.

Сиёсий партиянинг ваколатли вакили томонидан алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақалари Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

## **2-боб. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш**

5. Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилади.

6. Марказий сайлов комиссияси текшириш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида сиёсий партияларга олдиндан маълум қилади.

7. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигининг Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бунда уларнинг ваколатлари сиёсий партияларнинг юқори органи раҳбари томонидан тасдиқланиши зарур.

8. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин.

9. Жалб этилган мутахассисларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзоларни сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

10. Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ҳар бир сиёсий партияни кўллаб-қувватлаб тўпланган сайловчиларнинг имзолари бир хил миқдорда ажратиб олинади.

11. Жалб этилган мутахассислар текшириш учун ажратиб олинган ҳар бир имзо варақасини кўздан кечиради. Бунда улар имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги, улардаги маълумотларга тузатишлар киритилганлиги, турли шахслар томонидан тўлдирилганлиги, ўхшаш имзоларнинг, қўшимча имзо билан тасдиқланган тузатишларнинг мавжудлиги каби ҳолатларга алоҳида эътибор беради.

12. Имзо варақалари танлаб олиш йўли билан ажратиб олинади. Бунда сайловчилар имзоларининг зарур миқдори тўпланганлиги, шунингдек имзо варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотларнинг камида ўн беш фоизи текширилади.

13. Кўздан кечириш вақтида камчиликлари ёки шубҳа туғдирадиган ноаниқликлари мавжуд бўлган имзо варақалари батафсил текшириш учун ажратиб олинади.

14. Текшириш вақтида аниқланган ноаниқ ва ҳақиқий бўлмаган имзолар сони текширилиши лозим бўлган сайловчилар имзолари умумий сонининг ўн фоизидан ортиқ миқдорни ташкил этса, ушбу имзо варақаларини текшириш тўхтатилади.

Сайловчиларнинг сиёсий партияни қўллаб-қувватлаб тақдим этган имзолари ушбу имзолардан ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони чегириб ташланганда, уларнинг сони сиёсий партияни рўйхатга олиш учун етарли бўлмай қолган тақдирда ҳам текшириш тўхтатилади.

15. Қуйидаги имзолар ҳақиқий эмас деб топилади:

сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилингунга қадар тўпланган имзолар;

имзо варақасидаги сайловчи тўғрисидаги маълумотлар сайловчининг ўзи ёки сайловчилар имзоларини тўплаган масъул шахс томонидан киритилмасдан қўйилган имзолар;

сайлаш ҳукукига эга бўлмаган шахслар томонидан қўйилган имзолар;

имзо варақасида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлардан бирортаси кўрсатилмасдан қўйилган, шу жумладан санаси кўрсатилмасдан қўйилган имзолар;

бошқа шахснинг номидан бошқа шахс томонидан қўйилган имзолар;

имзо варақасида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларга тузатишлар киритилган ҳолда қўйилган имзолар, башарти ушбу тузатишлар сайловчи ёки имзо варақасини тасдиқловчи шахслар томонидан қўшимча имзо билан тасдиқланмаган бўлса.

16. Имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда тақдим этилган имзолар сони, текширилган имзолар сони, ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар сони кўрсатилади. Ушбу баённома Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорига илова қилинади. Қарор қабул қилингандан кейин баённомага ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

17. Баённоманинг нусхаси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига берилади.

### **3-боб. Яқуний қонда**

18. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳукукини рад этади.





**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик  
палатаси сайловида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий  
партияларнинг кузатувчилари фаолияти тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари (бундан буён матнда кузатувчи деб юритилади) фаолияти тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Унинг ваколатлари тегишли ҳужжат билан тасдиқланган бўлиши керак.

2. Сиёсий партиялар ўз кузатувчилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига (бундан буён матнда округ сайлов комиссиялари деб юритилади) сайловга камида ўн беш кун қолганида маълум қиладилар.

Сиёсий партияларнинг аризасида кузатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ва иш жойи, қайси сиёсий партия вакили эканлиги кўрсатилиши лозим.

3. Округ сайлов комиссияси мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги мандатни сиёсий партиядан ариза олинганидан кейин кузатувчига беш кун ичида беради.

4. Кузатувчининг мандати 140x100 мм ўлчамдаги бланкада расмиёлаштирилади. Мазкур мандатда кузатувчининг фамилияси,

исми, кузатувчини тақдим этган сиёсий партиянинг номи, унинг амал қилиш муддати, округ сайлов комиссияси раисининг округ сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланган имзоси ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

5. Мандат сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида кузатувчининг ўз фаолиятини амалга ошириши учун асос бўлади.

## **2-боб. Кузатувчиларнинг ваколатлари**

6. Сайлов комиссиялари кузатувчиларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун кўмаклашадилар.

7. Кузатувчилар сайлов комиссияларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда бошқа ташкилотларга мандати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиб киради.

8. Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов кутилариининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

муддатидан олдин овоз беришда ҳозир бўлиш;

сайловчилар турган жойда овоз беришни ўтказиш вақтида ҳозир бўлиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомаларини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

сайлов комиссияси вакилларига, уларнинг ишларига аралашмаган ҳолда, ўз кузатувлари ҳақида маълум қилиш ва тавсиялар бериш;

овоз бериш тугагач, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида ҳамда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фикрларини баён қилиш;

сайлов ташкилотчиларига, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ҳамда тегишли мансабдор шахсларга сайлов ўтказиш жараёнини кузатиш натижалари бўйича ўз хулосаларини тақдим этиш;

агар сайлов участкасида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш.

9. Кузатувчиларга куйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашш.

10. Кузатувчилар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Марказий сайлов комиссиясининг сайловни ташкил этиш ва ўтказишга оид ҳужжатлари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қилишлари, ўз мандатини ёнларида олиб юришлари ва манфаатдор шахсларнинг талабига мувофиқ уни кўрсатишлари ҳамда сайлов жараёнига аралашмасликлари лозим.

### 3-боб. Яқуний қоидалар

11. Кузатувчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

12. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга олти кундан кам вақт қолганда эса дарҳол кўриб чиқилиши керак.

13. Шикоят берган кузатувчилар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

ИЛОВА

(НАМУНА)

\_\_\_\_\_ —  
(округ сайлов комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

### Сиёсий партия кузатувчисининг МАНДАТИ

\_\_\_\_\_  
(кузатувчининг фамилияси)

\_\_\_\_\_  
(кузатувчининг исми)

\_\_\_\_\_  
(кузатувчини тақдим этган сиёсий партиянинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Қонунчилик палатаси сайловида  
сиёсий партиянинг кузатувчиси  
ҳисобланади

Округ сайлов  
комиссияси раиси

М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Мандат берилган санаси 2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик  
палатаси сайловида депутатликка номзодларнинг ишончли  
вакиллари фаолияти тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари фаолиятини тартибга солади.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

2. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади.

**2-боб. Ишончли вакиллари рўйхатга олиш**

3. Депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари округ сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинади. Бунда депутатликка номзодлар ўзларининг ишончли вакиллариининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари нусхаларини округ сайлов комиссиясига тақдим этади.

4. Рўйхатга олинган ишончли вакилларга мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклда гувоҳнома берилади.

5. Ишончли вакилнинг гувоҳномаси 140x100 мм ўлчамдаги бланкада расмийлаштирилади. Мазкур гувоҳномада унинг рақами, ишончли вакилнинг фамилияси, исми, гувоҳноманинг амал қилиш муддати, округ сайлов комиссияси раисининг округ сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланган имзоси ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

### **3-боб. Ишончли вакилнинг фаолияти**

6. Ишончли вакиллар:

номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритади; давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилади.

7. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

8. Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин.

Ишончли вакилни бошқаси билан алмаштириш мазкур Низомда белгиланган ишончли вакилларни рўйхатга олиш учун тақдим этиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

9. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

10. Ишончли вакилларга улар вакил бўлган муддатга иш беврвчи уларнинг илтимосларига кўра ўз ҳисобидан ҳақ билан тўланмайдиган таътил бериши шарт.

11. Ишончли вакилга унинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 150-моддаси талабларига мувофиқ иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин.

### **4-боб. Яқуний қоидалар**

12. Ишончли вакиллар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ана шу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилишлари мумкин.

13. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

14. Шикоят берган ишончли вакиллар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

\_\_\_\_\_ — \_\_\_\_\_  
(округ сайлов комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

**ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**Депутатликка номзоднинг ишончли вакилининг**

**ГУВОҲНОМАСИ**

**№ XXX**

\_\_\_\_\_  
(ишончли вакилнинг фамилияси)

\_\_\_\_\_  
(ишончли вакилнинг исми)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси сайловида

депутатликка номзоднинг ишончли вакили

сифатида рўйхатга олинган

**Округ сайлов  
комиссияси раиси**

*М.Ў.*

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Гувоҳнома берилган сана 2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик  
палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия  
овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил  
тайинлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан ваколатли вакил тайинлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоида**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли.

**2-боб. Ваколатли вакилни тайинлаш ва уни рўйхатга олиш**

2. Ваколатли вакил сайлов участкалари тузилганидан сўнг сиёсий партиянинг тегишли ҳудудий органи раҳбари томонидан тайинланади.

3. Сиёсий партиянинг ҳудудий органи раҳбари сайловга камида ўн беш кун қолганида тегишли округ сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхатини тақдим этади. Мазкур рўйхатда ваколатли вакилларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган жойи ва санаси, паспорт серияси ва тартиб рақами, овозларни санаб чиқишда иштирок этадиган сайлов участкаси кўрсатилиши зарур.

4. Округ сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакиллари рўйхати келиб тушган вақтдан бошлаб, беш кун ичида ваколатли вакилларни рўйхатга олади ва уларга белгиланган намунадаги шаклда гувоҳнома беради.

5. Ваколатли вакилнинг гувоҳномаси 140x100 мм ўлчамдаги бланкада расмийлаштирилади. Мазкур гувоҳномада унинг рақами, ваколатли вакилнинг фамилияси, исми, ваколатли вакилни тақдим этган сиёсий партиянинг номи, амал қилиш муддати, округ сайлов комиссияси раисининг округ сайлов комиссияси муҳри билан тасдиқланган имзоси ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

6. Сиёсий партиянинг ҳудудий органи раҳбари сайловга қадар истаган вақтда тегишли округ сайлов комиссиясини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда ваколатли вакилни ваколатидан маҳрум қилиши мумкин. Бундай ҳолларда тегишли округ сайлов комиссияси ваколатли вакилни рўйхатдан чиқаради ва унга берилган гувоҳномани бекор қилади.

### **3-боб. Ваколатли вакилнинг ваколатлари**

7. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили:

участка сайлов комиссиясида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш;

фойдаланилмаган сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини санаб чиқиш ва бекор қилиш, шунингдек уларни ҳақиқий эмас деб топиш натижалари билан танишиш;

овозларни санаб чиқиш жараёнида участка сайлов комиссиясининг мажлисида иштирок этиш;

овозларни санаб чиқиш жараёнида участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга.

8. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашга, очишга, овозларни санаб чиқишга аралашишга ҳақли эмас.

9. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили такрорий овоз бериш пайтида ҳам сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда мазкур Низомда белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин.

### **4-боб. Яқуний қондалар**

10. Ваколатли вакил участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда юқори сайлов комиссияси ёки судга шикоят қилиши мумкин.

11. Ваколатли вакилнинг ваколат муддати сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан тугаган ҳисобланади.

ИЛОВА

(НАМУНА)

---

(округ сайлов комиссиясининг тартиб рақами ва номи)

## ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

Сиёсий партия ваколатли вакилининг

гувоҳномаси

№ XXX

---

(ваколатли вакилнинг фамилияси)

---

(ваколатли вакилнинг исми)

---

(ваколатли вакилни тақдим этган сиёсий партиянинг номи)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

Қонунчилик палатаси сайловида

сиёсий партиянинг ваколатли вакили

сифатида рўйхатга олинган

Округ сайлов  
комиссияси раиси

М.Ў.

\_\_\_\_\_

(имзо)

Гувоҳнома берилган сана 2014 йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганида ҳақиқий ҳисобланади.

**Қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини  
ташкил этиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкасини тузиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ушлаб турилган** – жиноят содир этганликда гумон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахс.

Ушлаб турилганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органла-

рининг тергов хибсхоналарида, ушлаб турилган ҳарбий хизматчилар эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ҳамда қўшин гауптвахталарида сақланади. Ушлаб турилганлар қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда жазони ижро этиш муассасаларида сақланиши мумкин;

**қамокқа олинган** – Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ ўзига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи.

Қамокқа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати органларининг тергов хибсхоналарида сақланади;

**қамокда сақлаш** – жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларни ёхуд ўзига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларни қамокда сақлаш;

**сайловолди ташвиқоти** – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият;

**ишончли вакил** – номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритувчи, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар.

## **2-боб. Сайлов участкаларини тузиш тартиби**

4. Ушлаб турилган ва қамокқа олинган шахсларга ўзларининг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш учун имконият яратиш мақсадида қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради.

5. Сайлов участкаларининг жойлашуви қамокда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан белгиланади.

6. Қамокда сақлаш жойларида сайлов участкалари сайловга камида олтмиш кун қолганида, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

7. Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи билан уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

### **3-боб. Участка сайлов комиссияларини тузиш**

8. Участка сайлов комиссияси сайловга камида қирқ кун қолганида беш – ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда округ сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Агар комиссия етти нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

9. Сайлов комиссиясининг аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлишлари мумкин эмас.

10. Бир шахс фақат битта сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин.

11. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Қамокда сақлаш жойларининг ходимлари ҳам участка сайлов комиссияси аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин.

12. Қамокда сақлаш жойларидаги махсус ажратилган биналарда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим.

Сайлов қутилари уларнинг ёнига овоз берувчилар албатта яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

### **4-боб. Қамокда сақлаш жойларида сақланаётган фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш**

13. Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда қамокда сақлаш жойларида бўлган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

14. Қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкалари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

15. Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти ушлаб турилган ва қамоққа олинган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ҳоказо) сайловга 3 кун қолганда тегишли участка сайлов комиссиясига тақдим этади.

Қамоқда сақлаш жойининг маъмурияти мазкур маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тўлиқлиги ва ўз вақтида тақдим этилиши учун масъулдир.

16. Ҳар бир ушлаб турилган ва қамоққа олинган – сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин.

17. Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатларида овоз беришни ташкил этиш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади.

18. Қамоқда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади.

19. Қамоқда сақлаш жойларида ушбу муассасаларнинг ички тартиб қоидалари ва режимини инобатга олган ҳолда фуқароларга сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

20. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

21. Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт.

22. Ушлаб турилган ва қамоққа олинган фуқаро сайловчилар рўйхатидан чиқарилганда унинг доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги сайлов участкасига хабарнома юборади.

## **5-боб. Сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш**

23. Сайлов комиссияларининг аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қамокда сақлаш жойларининг ички тартиб-қоидалари ва режими талабларига мувофиқ ушбу муассасаларда ташкил этилган сайлов участкаларидаги овоз бериш хоналарига кириши мумкин.

24. Участка сайлов комиссияси қамокда сақлаш жойининг маъмуриятига мазкур Низомнинг 23-бандида кўрсатилган шахслар ҳақидаги маълумотларни (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, сайловда ким сифатида иштирок этиши) тақдим этади.

Қамокда сақлаш жойининг маъмурияти уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

## **6-боб. Ушлаб турилган ва қамокқа олинганларни сайлов кампаниясининг бориши ҳақида хабардор қилиш**

25. Қамокда сақлаш жойларида тузилган участка сайлов комиссиялари мазкур муассасаларнинг маъмурияти билан биргаликда ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганларни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари, сайлов ўтказиш вақти ва тартиби, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда депутатликка номзодлар ҳақида хабардор қилиб боради.

26. Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга қамокда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан ушлаб турилган ва қамокқа олинганлар – сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилади.

27. Ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар қамокда сақлаш жойининг маъмурияти томонидан сайлов комиссияларининг ахборот плакатлари ва сайлов кампаниясига доир бошқа ахборотлар билан мазкур ахборотларни сайловни ўтказиш учун ажратилган жойлардаги ахборот стендларига жойлаштириш орқали таништирилади, сайловолди тадбирлари ҳамда овоз бериш куни ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

28. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.

### **7-боб. Қамокда сақлаш жойларида овоз бериш**

29. Қамокда сақлаш жойларида овоз бериш қамокда сақлаш жойларининг ички тартиб-қоидалари, режими ва уларнинг бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ташкил этилади.

30. Қамокда сақлаш жойларининг ички-тартиб қоидалари ва режимидан келиб чиқиб, ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар овоз бериш биносига камера бўйича келтирилади.

31. Ушлаб турилганлар ва қамокқа олинганлар сайловчилар рўйхатига имзо қўйганидан кейин уларга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчининг фамилияси унинг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

32. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

33. Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди. Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

34. Қамокда сақлаш жойларида тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш туганлигини эълон қилиши мумкин.

35. Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул

қилади ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади.

Такрорий овоз бериш Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади.

### **8-боб. Яқуний қоида**

36. Қамокда сақлаш жойларида тузилган участка сайлов комиссиялари тегишли сайлов округларидан сайланган депутатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

## МУНДАРИЖА

|  |    |
|--|----|
| Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида .....   | 3  |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати<br>аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида Низом .....   | 14 |
| Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси<br>Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар<br>кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида Низом .....   | 20 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловига<br>тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда<br>маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Йўриқнома .....  | 28 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик<br>палатасига сайловда бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар<br>ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида Низом .....  | 40 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик<br>палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш<br>ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом .....   | 46 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик<br>палатасига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларини<br>тузиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида Низом ....  | 53 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик<br>палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида<br>сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка<br>номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан<br>фойдаланиши тартиби тўғрисидаги Низом ..... | 66 |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси<br>томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини<br>текшириш тартиби тўғрисида Йўриқнома .....  | 71 |

|   |    |
|---|----|
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг кузатувчилари фаолияти тартиби тўғрисида Низом .....                             | 76 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайловида депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари фаолияти тўғрисида Низом .....  | 80 |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун ваколатли вакил тайинлаш тартиби тўғрисида Низом ..... | 83 |
| Қамокда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом .....   | 86 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ  
НИЗОМ ВА ЙЎРИҚНОМАЛАРИ

Нашр учун масъул *И. Аҳмедов*  
Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*  
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*  
Мусаххих *Н. Абдураҳмонова*  
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*  
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Наشريёт лицензияси А1 № 158, 14.08.09.  
Босишга 2014 йил 6 ноябрда рухсат этилди. Офсет қоғози.  
Бичими 60×90<sup>1/16</sup>. «Times» гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоғи 6,0. Нашр табоғи 5,47. Адади 10000 нусха.  
Бюджет № 14-470.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**

Ў 32 Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Низом ва Йўриқномалари/нашр учун масъул И. Аҳмедов. – Тошкент: «O‘zbekiston», 2014. – 96 б.

ISBN 978-9943-28-179-0

УЎК 342.573  
КБК 67.400.5(5Ў)